

# ЭКОЛОГИК СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТҮЛОВ ТУРЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИГА ОИД

*Ботиралиев Бекзод Ганишер ўғли.*  
*мустақил изланувчи*

**Аннотация:** Сўнгги йилларда иқтисодий глобал иқлим ўзгариши фонида Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиши, “яшил” солиққа тортиши пакетини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ қилиши масалалари фаол муҳокама қилинмоқда. Бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибасини оладиган бўлсак, ушбу давлатларнинг солиқ тизимида ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишида экологик солиқларнинг ўрни сезиларли даражада юқори ҳисобланади. Хўши ўзи экологик солиқлар нима? Уларнинг қандай турлари мавжуд? Нималарга нисбатан қўлланилади? Ўзбекистоннинг солиқ тизимида экологик солиқларнинг ўрни қандай? Ушбу мақолада экологик асосий турлари ва уларнинг тавсифи кўриб чиқиласди.

**Калит сўзлар:** Экологик хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, экология, экологик солиқ, экологик солиқлар таснифи.

Сўнгги йилларда дунёning қатор мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам экологик муаммолар кучайиб бормоқда. Бу биринчи навбатда иқлим ўзгариши, атмосфера ҳавосининг меъёрдан ортиқ ифлосланиши, мавжуд сув ресурсларини захираларининг қисқариши ва сифати пасайиши, яшил майдонларнинг қисқариши ва эпидемиологик вазиятнинг оғирлашиши ҳисобланади.

Дунёning ривожланган давлатлари ҳамда турли ҳалқаро институтлар, олимлар ва таҳлилчилар томонидан бугунги экологик вазиятни барқарорлаштириш, унга таъсир этувчи салбий омилларни камайтиришда экологик солиқлар самарали восита сифатида қўлланиши мумкинлигини эътироф этиб келишмоқда.

Шу жумладан бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнларида амалдаги солиқ тизимини таҳлил қилиш, “яшил” солиқларни жорий қилиш, “яшил” солиққа тортиш механизmlарини ишлаб чиқиш, солиқ юкини корхоналар ва уй хўжаликларидан атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва ресурсларнинг ортиқча сарфланишига олиб келадиган фаолиятларга ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, экологик солиқ механизmlари бугун дунёning қатор мамлакатларида кенг қўлланилиб келинмоқда ва бундай механизmlар ҳар қандай ривожланган давлатларнинг солиқ тизимида юқори ўринларни эгаллайди.

Экологик солиқ механизмларни таснифлашдан аввал “экологик солиқ” тушунчасини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бироқ ҳозирги кунда Ўзбекистонда экологик солиқ тушунчаси шаклланмаган, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ҳам ушбу тушунчага тариф берилмаган ва бу солиққа тортиш тизимда бугунги кунда бўшлиқ ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимиз солиқ тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ушбу бўшлиқни тўлдириш лозим, сабаби қўп ҳолларда концептуал даражада солиққа тортишга оид терминларнинг ишлаб чиқилмаганлиги солиққа тортиш жараёнларида муаммоларни юзага келтириб чиқаради.

Экологик солиқларнинг умумқабул қилинган тарифи Европа Иттифоқининг Статистика хизмати (Евростат) томонидан ҳалқаро статистик ҳисоб юритиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга асосан “солиқ базаси атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи обьектнинг ёки у билан боғлиқ бўлган бошқа обьектнинг физик хусусияти ҳисобланган солиқ экологик солиқ ҳисобланади”.<sup>1</sup> Ушбу тарифдан кўплаб ҳалқаро ташкилотлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа комиссияси, Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари фойдаланиб келади.

Мазкур тарифга кўра солиқлар экологик хусусиятга эга бўлиши учун биринчи ўринда солиқ базасини аниқлашда унинг қиймати эмас, балки солиқ солинадиган обьектнинг физик хусусияти инобатга олиниши, иккинчидан, солиқ биринчи навбатда атроф-муҳитга зарар етказувчи манбадан ундирилиши ва учинчидан, агарда зарар етказувчи манбадан ундириш имкони бўлмаса, зарар етказувчи манба билан алоқадор бўлган обьект солиқ солиши обьекти сифатида қаралиши лозим.

Мисол учун, атмосферани ифлослантирувчи манба бу автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар ҳисобланади, бироқ ҳар бир автомобильдан чиқаётган зарарли газ миқдорини алоҳида ўлчаш ҳамда ушбу газлардан солиқ ундириш имконияти йўқ. Шу сабабли солиқ таркибида зарарли моддалар бўлган манбадан, яъни бу мотор мойи бўлиши мумкин, ёки транспорт воситасидан ундирилиши мумкин.

Яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича Европа жамғармаси (Eurofound) экологик солиқлар бўйича ўз тарифини ишлаб чиқкан. Унга кўра, экологик солиқларни “атроф-муҳитдан фойдаланувчи шахсларга давлат томонидан юклатилган мажбурият” сифатида тарифлайди. Агар бундан олдинги тарифда экологик солиқларнинг бошқа солиқлардан фарқловчи аниқ

<sup>1</sup> Glossary:Environmental tax.

[https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Environmental\\_tax](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Environmental_tax) мурожаат санаси: 01.02.2024 )

хусусиятлари белгилаб берилган бўлса, ҳозирги тарифда эса солиқлар “ифлослантирувчи тўлайди” принципи асосида ундиришни белгилайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг статистик терминлар лўғатида ушбу принцип, давлат томонидан атроф-муҳитнинг жамиятга етказаётган зарарини камайтириш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирларга сарфланидиган харажатларни, айнан ушбу зарар келиб чиқишига сабабчи бўлган шахс томонидан тўланиши керак бўлган принцип сифатида намоён бўлади.<sup>2</sup> Мазкур принцип атроф-муҳит жамият мулки эканлиги, шу сабабдан унга зарар етказувчи ҳар бир шахс жамиятга зарар етказган ҳисобланиши, шунинг учун етказилган зарарни қоплаши шарт деган фикрга асосланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда “экологик солиқлар” тушунчасини аниқлашда аниқ чегаралари белгиланган ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу сабабдан ҳар бир давлат ўз иқтисодий салоҳиятидан, экологик ҳолатидан, олиб бораётган давлат ва солиқ сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда тариф ишлаб чиқиши мумкин.

Шу сабабли биз мавжуд терминларни таҳлил қилган ҳолда, ўз муаллифлик тушунчамизни таклиф қилмоқчимиз. Унга кўра “экологик солиқ- миқдори солиқ солиш объектидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган экологик зарар даражасидан келиб чиқиб аниқланадиган ва Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади”. Яъни ушбу тушунча асосида ким қўп ифлослантирса, ўша қўп тўлайди қоидаси ётибди.

Солиқ ҳақиқатда экологик ҳисобланиши учун, у албатта атроф-муҳит билан боғлиқ мақсадни кўзлаши лозим. Бунинг учун, у нафақат ўзининг фискал функциясини, балки тартибга соловчи функциясини ҳам бажариши керак. Яъни солиқ тўловчиларни экологик жиҳатдан самарали бўлган солиқ солиш объектларидан фойдаланишга ундовчи шарт-шароитларни яратиши лозим. Бунинг учун солиқ юкини солиқ тўловчи томонидан етказилган экологик зарар миқдорига мутаносиб равишда дифференциациялаш лозим бўлади. Мисол учун, экологик хавфсиз бўлган автотранспорт воситалири эгаларидан кам миқдорда солиқ ундириш орқали бошқаларни ҳам ҳудди шунадй транспортдан фойдаланишга ундаш мумкин.

Солиқларни экологик жиҳатдан таснифлашда ҳам турли ҳил ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, Евро Иттифоқда мавжуд экологик солиқлар тўртта асосий белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Булар, экологик солиқларни жорий қилиш мақсадлари бўйича, қўлланиладиган соҳалари бўйича, солиқ солиш объекти

<sup>2</sup> Glossary of Statistical Terms, OECD // <http://stats.oecd.org/glossary>

бўйича ҳамда иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган.  
(1-схема).

Бугунги кунда айнан шундай таснифлаш хусусиятлари ва экологик солиқларнинг турлари таҳлил ва таққослаш учун халқаро ва Европа Иттифоқи статистикасида фойдаланиб келинади.

Жумладан:

*I. Кўллаш мақсадига кўра солиқлар уч гуруҳга ажратилган:*

1-гурух. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун давлат харажатларини қоплайдиган солиқлар (*cost-covering charges*);

Бунга кўра, атроф-муҳитдан фойдаланувчилар белгиланган тўловларни тўлаш орқали атроф-муҳитни мониторинг қилиш ва назорат тадбирлари учун йўналтириладиган харажатларни қоплашда ўз ҳиссасини қўшади.

Харажатларни қоплаш учун тўловлар икки турга бўлинади:

а) фойдалангандик учун тўловлар, яъни бунда маълум бир экологик хизмат учун тўлов олинади. Тўловлар аниқ фойдаланувчилар зиммасига юклатилади;

б) мақсадли йифимлар ёки кечикирилган тўловлар, ушбу тўловлардан тушган маблағларни маълум бир экологик мақсадлар учун сарфланишини назарда тутади.

2-гурух. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг атроф-муҳитга нисбатан хатти-харакатларини рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи солиқлар (*incentive taxes*);

Яъни ушбу солиқларнинг асосий мақсади даромад олиш эмас, балки ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг атроф-муҳитга нисбатан заарли таъсиrlарини камайтириш ҳисобланади. Бундай солиқлар рағбатлантирувчи функцияни бажаради. Ундирилган солиқлар кейинчалик грантлар ёки солиқ имтиёzlари орқали солиқ тўловчиларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

3-гурух. Давлатнинг солиқ тушумларини кўпайтирувчи ва биринчи навбатда фискал функцияни бажарувчи солиқлар (*fiscal environmental taxes*).

Ушбу гурухга киравчи солиқлар асосан фискал хусусиятга эга бўлиб, ушбу солиқлардан тушган тушумлар давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдиришга қаратилган. Улар жумласига энергетик ва ноэнергетик солиқлар киради.

*II. Кўлланиладиган соҳаларига кўра солиқлар тўрт асосий турга ажратилган:*

1. Энергетик солиқлар (*energy taxes*);

Энергетик солиқлар асосан транспорт ва стационар мақсадларда фойдаланиладиган энергия ресурсларига (энергия ташувчиларига) нисбатан қўлланилади. Транспорт мақсадлари учун қўлланиладиган асосий энергетик махсулотларга бензин ва дизель ёқилғиси кирса, стационар мақсадларда

ишлатиладиган энергия маҳсулотларига табиий газ, ёқилғи мойи, кўмир ва электр энергияси киради.

## 2. Транспорт солиқлари (*transport taxes*);

Транспорт солиқлари транспорт воситаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқлар гурухини ўз ичига олади. Бунда бензин, дизель ёқилғиси ва бошқа шунга ўхшаш транспорт ёқилғилари учун белгиланган солиқлар энергетик солиқлар ҳисобланганлиги учун, улар транспорт солиқларига киритилмайди.

Транспорт солиқларини бир марталик ва доимий турларга бўлиш мумкин. Бир марталик солиқлар бу асосан транспортни импорт қилишда ёки сотища тўланади. Доимий солиқларга маълум бир давр давомида доимий равища ундириладиган солиқлар, мисол учун европа давлатларида ҳар йили тўланадиган йўл солиғи киради.

Бунда транспорт солиқлари қуйидаги тўловларни ўз ичига олади:

- босиб ўтган километр учун солиқлар;
- автомобиль эгаларидан йиллик солиқ;
- автомобиль хариди учун акциз солиғи.

Экологик солиқлар ичида транспорт солиқлари тушуми бўйича иккинчи ўринни эгаллайди, унинг экологик солиқлар бўйича давлат бюджетидаги улуши қарийб 20 фоизни ташкил қиласди.

## 3. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун солиқлар (*pollution taxes*);

Мазкур гурухдаги солиқлар атмосферага ва сувга заарли моддаларни чиқарганлик учун, шовқин таъсири учун, шунингдек саноат чиқиндилари билан боғлиқ фаолият учун тўловларни ўз ичига олади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун солиқлар ифлосланиш объектига қараб бир неча кичик гуруҳларни ўз ичига олади.

Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишининг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш тўғрисида” 202-сонли қарори билан Республика ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари белгиланган.

Ресурс солиқлари (*taxes on natural resources, resource taxes*).

Ресурс солиқлари ўз ичига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун солиқларни, ўрмон хўжаликларини юритиш учун солиқларни ўз ичига олади.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Environmental taxes – A statistical guide. 2024-edition./ Eurostat, 2024//  
URL: <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3859598/18358719/KS-GQ-23-016-EN-N.pdf/011c3fcf-c6c3-604c-320f-bba5da058efe>, P 16

*III. Солиқ солиши обьектига күра экологик солиқлар түрттә турға бўлинган:*

1. Ифлослантирувчи моддалар учун солиқлар (*pollution taxes*);
2. Маҳсулотлар учун солиқлар (*product taxes*);
3. Ишлаб чиқариш воситаларига солиқлар (*taxes on capital goods*);
4. Фаолиятдан олинадиган солиқлар (*taxes on activities*).

*IV. Иқтисодий фаолият турлари бўйича.*

Экологик солиқларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таснифи асосан статистик мақсадларда фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиши баён этилган. Мазкур экологик солиқлар иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олади: қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, уй хўжаликлари, норезидентлар в.б.<sup>4</sup>

*1-расм*



*Европа Иттифоқида мавжуд экологик солиқларнинг таснифи<sup>5</sup>*

Бошқа бир гурух тадқиқотчилар хусусан, рус олимни Л.Самоделконинг фикрига кўра экологик солиқларни таснифлашда юқорида келтириб ўтилган ёндашув экологик солиқлар ва йиғимлар турларидан кўра экологик солиқка тортиш механизмини очиб беришга қаратилганлигини таъкидлайди. У ўз ишида Россия Федерациясида мавжуд солиқларни экологик хусусиятига кўра таснифлашни илгари суради.

Унинг фикрича бир қатор олимлар экологик солиқлар ва мажбурий тўловларни саноат мезонлари нуқтаи назаридан таснифлайди, аммо бундай

<sup>4</sup> Environmental taxes: recent developments in tools for integration / European Environment Agency, 2000/ URL: [http://www.eea.europa.eu/publications/Environmental\\_Issues\\_No\\_18/at\\_download/file](http://www.eea.europa.eu/publications/Environmental_Issues_No_18/at_download/file). P. 19.

<sup>5</sup> Европа Иттифоқининг Статистика хизмати маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ёндашув атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фақат фискал тўловларни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Олимнинг таъкидлашича бошқа гурух изланувчилари экологик солиқларни “ифлослантирувчи тўлайди” мезони нуқтаи назаридан таснифлашга ҳаракат қилишган, унинг фикрича, бундай мезонни солиқ қонунчилигининг фискал табиати орқали амалга ошириш мумкин эмас. Сабаби, корхона томонидан экологияга етказилган зарарни қоплаш учун амалга оширган барча харажатлари фойда солиги бўйича солиқ базасини шакллантиришда чегирилмайдиган харажатларга киритилади, бу ўз-ўзидан товарлар ёки хизматларнинг таннархига қўшилади ҳамда якуний истеъмолчи томонидан корхонанинг харажатлари қопланади.

Л.Самоделко ўз фикрларини давом эттирасдан экан, экологик солиқларни таснифлашда солиқларнинг унчалик муҳим бўлмаган солиқ имтиёзлари ва преференциялари каби элементлари илмий жиҳатдан ўрганилмай қолаётганлигини таъкидлайди.

Шунга кўра, муаллиф миллий солиқ ва йиғимлар тизимини солиқлар ва йиғимлар таркибидаги экологик элементларни қўллаш хусусиятига кўра таснифлашни таклиф қиласди. “Солиқлар ва йиғимлар таркибидаги экологик элементлардан фойдаланиш” таснифлаш мезони солиқ воситаларини экологик солиқка тортиш доирасида тизимлаштириш имконини беришини таъкидлайди.

Чунки экологик солиқка тортишнинг асосий мақсади ва ўзига хос хусусияти шундаки, у биринчи навбатда экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнларини нафақат солиқ тўловчининг солиқ юкини ошириш орқали, балки солиқларнинг рағбатлантирувчи воситалари орқали ҳам тартибга солишга қаратилганлигини баён қилган.

Шунга кўра, у Россия Федерациясининг амалдаги солиқлар ва йиғимларни уларнинг қўллаш механизmlар ва улар таркибидаги экологик характердаги элементларга қараб уч тоифага ажратишни таклиф қилган:

- 1) бевосита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш воситаси ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар (*экологик солиқлар ва компенсанция йиғимлари шаклидаги комплекс воситалар*);
- 2) экологик элементни ўз ичига олган солиқлар ва йиғимлар (*солиқ имтиёзлари ва преференциялар*);
- 3) экологик элементларни ўз ичига олмайдиган солиқлар ва йиғимлар (*экологик вазиятни бевосита тартибга солмайдиган, бироқ атроф-муҳитга зарар етказиши манбаи билан боғлиқ солиқлар*);<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Самоделко Л, Классификация налогов и сборов как метод систематизации экологического налогообложения в Российской Федерации. Вестник Государственного университета управления. <https://doi.org/10.26425/1816-4277-2023-3-135-143> (мурожаат санаси: 10.01.2024 й.)

Экологик солиқлар ва мажбурий тўловларни самарадорлиги тадқиқ қилишда уларни Ўзбекистон иқтисодиёти ва солиқ тизимидан келиб чиқкан ҳолда таснифлаш лозим бўлади. Бундай таснифлаш аввало экологик солиқ солишни тизимлашириш, уларнинг асосий хусусиятларини ўрганиш, солиқ солиш манбаларини аниқлаш, солиқ юкини тақсимланишини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан утилизация йифими, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлар белгиланган.<sup>7</sup>

Бундан ташқари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун атмосфера ҳавосига заарли таъсир қўрсатганлик учун компенсация тўловлари белгиланган.<sup>8</sup>

Шунингдек, экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлигини ва атроф-муҳитни ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари, пневматик резинали шиналар ва покришкалар ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг заарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида утилизация йифими тўланади. Шу билан бирган чиқиндиларни маҳсус ажратилган ва жиҳозланган жойларга жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ундирилади.<sup>9</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасига<sup>10</sup> асосан Ўзбекистон Республикаси худудида қуйидаги солиқлар белгиланган:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 5<sup>1</sup>) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун маҳсус рента солиғи;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 754-XII-сонли Қонуни. URL: <https://lex.uz/tu/docs/107115>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ти 353-I-сонли Қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/55561>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ти 362-II-сон Қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/42423#4599555>

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. URL: <https://lex.uz/docs/4674902>

- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистондаги мавжуд солиқлар ва мажбўрий тўловларни шартли равища қуидагича таснифлаш мумкин:

- 1) бевосита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш воситаси ҳисобланган солиқлар ва тўловлар: *атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари, ўтилизация йигимлари*)
- 2) экологик элементни ўз ичига олган солиқлар ва йиғимлар (*акциз солиги, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун маҳсус рента солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиги*);
- 3) экологик элементларни ўз ичига олмайдиган солиқлар ва йиғимлар (*қўшилган қиймат солиги, фойда солиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги, ижтимоий солиқ, мол-мулк солиги*).

Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosса қилиш мумкинки, бугунги кунда экологик солиқлар ва мажбурий тўловларнинг экологик хавфсизликни таъминлашдаги ўрнини ўрганишда, энг аввало экологик солиқлар тушунчасининг мазмун моҳиятини, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда асосий ўрин тутадиган солиқлар ва мажбўрий тўловларнинг турларини билиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.